

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ ГАЗЕТАСИ



# milliy

tiklanish

www.mt.uz / mtiklanish@mail.ru / mtiklanish@bk

№ 33 (1083) 2020 йил 9 сент.



ISSN 2010-1114  
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

**«СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ,  
САОДАТ МАСКАНИ,  
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!»**



**НАИМ КАРИМОВНИ  
КАВОТИРГА СОЛГАН  
СИРЛАР ОЧИЛАДИМИ?**

4



**ОРҚА ТОМОНБАЕВГА,  
ҲАММА ДАҲШАТДАН  
ҚОТИБ ҚОЛДИ...**



**Депутатлар  
қабристондан  
хазина топишди**

Ўзбекистонда жами 8208 та маданий мерос объектлари бўлиб, уларнинг 354 таси Тошкент шаҳрида жойлашган. Лекин ҳали мутахассислар эътиборидан четда қолиб, хатлов чоғи рўйхатларга киритилмаган қанчадан-қанча обидалар борки, уларни топиш, тадқиқ этиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир. Яқинда Олмазор тумандаги партиядошларимиз Чигатой қабристонидан яна бир тарихий обидани аниқладилар. Маълум бўлишича, бир неча юз йиллик тарихга эга бўлган янги топилма «Жоми Дурдон бобо» (Қушчи бобо) мақбараси «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати»га киритилмаган экан.

Давоми 4-бетда



2020 йилнинг 3 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида намбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фракция аъзолари Навоий вилоятида ўрганишлар олиб бордилар.

## ҚОҒОЗДАГИ МАНФААТДОРЛИК



**Тарихий  
ҳақиқатни тиклаш  
пайти келди**

1937-53 йиллар давомида Ўзбекистонда 100 минг киши қатағонга учраган, 13 минг шафқатсиз равишда отиб ташланган. Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон, болалар эса етим қолган. Биргина 1937-38 йиллардаги қатта қатағон даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган. Айрим маълумотларга қараганда, 2 миллионга яқин киши хорижий мамлакатларга қочишга улгурган. 1 миллион 700 минг юртдошимиз эса Сибир, Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Қозоғистон, Узоқ Шарқ, Кавказ ва Волга бўйига сургун қилинган... Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги кенг нишонланган кунда давлатимиз раҳбари «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бўлиб, буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Шуни қайд этиш жоизки, орадан қанча йиллар ўтса ҳам архив манбаларидан янги маълумотлар ва турфа тақдирлар тарихи чиқиб келяпти. Халқимиз айтганидек, «ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир». Давлатимизнинг ўз мустақиллигига эришиши туфайли ганимларга бош эгмай, жонфидо қилган ватандошларимиз номлари бугунга келиб оқланыпти. Хусусан, Тошкент шаҳрининг қатағон йилларидаги қатлгоҳи бўлган ва маҳаллий халқ тилида Алвасти кўприк номи билан аталган манзилдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси фуқароларимизнинг муқаддас қадамжоларига айланди. Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 31 августда – «Қатағон қурбонларини ёд этиш кuni» муносабати билан «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида бўлиб, «ушбу музей – музейларнинг музейи» деб юксак баҳо берган эдилар.

Давоми 2-бетда



**Олимлар 1-синфга борган болалар қобилиятини синовдан ўтказиб, уларнинг 99 фоизи ноёб иқтидор эгаси, деган хулосага келишибди. 5 йил ўтгач, айнан ана шу болалар қобилияти яна синовдан ўтказилибди. Энди жами болаларнинг 30 фоизи иқтидор эгаси, деб топилибди. Болалар 10-синфни битираётганида ўтказилган тадқиқотлар эса 12 фоиз болада қобилият сақланиб қолганини аниқлабди.**

5

**ТАРБИЯ КУЧАЙТИРИЛИБ, АДОЛАТЛИ  
МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИ ЯРАТИЛСА,**



**КОРРУПЦИЯ  
ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИЛАДИ**


**НОСИРҲОН ТўРА  
КИМ БўЛГАН?**

7

**600 йиллик  
тарихни кўриб-  
кўрмаганга  
олиб келдик...**


AND DAVLAT UNIVERSITY

**...Мен бўлсам,  
ҳозирги замонда  
индамасдан туришни  
яхши кўрурман**



6

**Од қавмига тегишли  
шаҳар қолдиқлари**



6





Бу воқеа қатагон ишлари аввалдан режалаштирилгани ва миллатни ўз тараққийпарварларидан махрум этиши масаласида тизимли ишлар олиб борилганини кўрсатади...

## Қоғоздаги манфаатдорлик



2020 йилнинг 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари 15-25 июнь кунлари Навоий вилоятида ўрганишлар олиб бордилар.

Ўрганишлар жараёнида ижобий ишлар билан бирга тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди. Жумладан, «Ўзстандарт» агентлигининг саноат зоналарида махсус лабораториялари йўқлиги, импорт маҳсулотлари учун сифат сертификатини расмийлаштириш 10-15 кунга кечикаётгани, айрим импортёрларнинг бир турдаги маҳсулотларига қайта-қайта сертификат талаб этилаётгани шулар жумласидандир.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 21 август кунги йиғилишида ана шу ўрганишлар натижалари муҳокама қилиниб, «Ўзстандарт» агентлигига Парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шундан кейин фракциямиз аъзолари «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда агентлик тасарруфидаги «Ўзтест» ДУК фаолиятини ўргандилар.

Маълум бўлишича, шу кунларда Тошкент вилоятининг Пскент туманида Германия ва Чехия лойиҳаси асосида автомобил ва унинг эҳтиёт қисмлари сифати ҳамда электротехника маҳсулотларининг электромангнит мослашувчанлигини аниқловчи лаборатория қурилмоқда. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу лойиҳа қиймати 4 млн. доллар бўлиб, хориждан давлат кафолатисиз 7 йилга йиллик 2,1 фоиздан кредит олинган.

Мутахассисларнинг фикрича, янги корхонага асосий даромад автомобил ва электроника маҳсулотларини синовдан ўтказишдан тушади ва жами харажатлар 5 йил давомида қопланади. Ўзбекистонда бундай синов лабораторияси йўқлиги боис, биргина «Узавтомоторс»нинг ўзи маҳсулотлари сифатини хорижда синовдан ўтказиш учун ҳар йили 1,5 млн. доллар миқдорида маблағ сарфлар экан. Агар янги лойиҳа амалга ошса, қўшни давлатлардаги корхоналар ҳам шундай турдаги маҳсулотларини Ўзбекистонда сертификатлаши мумкин бўлади.

«Ўзтест» фаолияти ҳамда синов лабораториялари билан танишиб, импорт маҳсулотларини сертификатлаш 5 кундан 29 кунгача чўзилаётгани, ҳудудлардаги лабораторияларни замонавий жиҳозлари билан таъминлаш эса

«қўлдан келганча» амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Бунинг асосий сабаби, «Ўзтест» тизимидаги корхоналарнинг фойдаси қонун асосида давлат бюджетига олиб кўйилаётганидир. Шу боис, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда фойданинг бир қисмини «Ўзтест» ихтиёрида қолдириш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

Қайд этиш жоизки, айти пайтда Ўзбекистонда товарлар, аниққисса, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига масъул бўлган ягона жавобгар ташкилот йўқ. Истеъмолчилар ҳуқуқларини, ҳимоя қилиш агентлиги, «СЭС», «Ўзстандарт» ва шунга ўхшаш органлар ўз ваколати доирасида ушбу соҳани тартибга солиса-да, аммо ушбу фаолият мувофиқлаштирилмапти, яъни ҳар қим ўз билганича фаолият кўрсатиб, бир-бирининг ишини тақорляпти, холос. Шунинг учун ҳам ушбу органлар интеграция қилиниб, ягона маъсул органга айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, АҚШда ҳудди шу йўналишдаги ташкилот – «Food and Drug Administration», Чехияда эса «Озиқ-овқат маҳсулотлари инспекцияси» озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига жавоб беради.

Бизда эса фақат шикоят тушган тақдирдагина маҳсулот сифати текширилади ва эгаси арзимаган жарима тўлаб, яна фаолиятини давом эттираверади.

Шунинг учун ҳам бозорларимизда «бренд» товарларни «қўлбола» усулда ишлаб чиқарадиган «тадбиркорлар» сони кўпаймоқда. Бундай маҳсулот нархи чинакам ишлаб чиқарувчиникидан арзон бўлгани боис, сотувчи ҳам асосан шундай маҳсулотлар билан савдо қилишни маъқул кўрапти. Шу боис, параллел равишда сотувчилар маъсулиятини ошириш, уларга нисбатан молиявий санкцияларни кучайтириш лозим. Зеро, бу – одамлар саломатлиги билан боғлиқ масаладир. Қолаверса, бу билан ишлаб чиқарувчилар манфаати ҳам қатъий ҳимоя қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари агентликнинг ҳудудлардаги лабораторияларини ташкил этиш учун молиявий ресурслар манбасини белгилаш, бунда Молия вазирлиги билан ҳамкорликда соҳага грантлар жалб этиш масаласини қайта кўриб чиқиш ҳамда агентликка хориждан имтиёзли кредитлар олишда ҳукуматдан амалий ёрдам кўрсатиш лозим деган қарорга келдилар.

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,**  
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси ўринбосари

Қатагон қурбонлари, уларнинг аламли қисмати ҳақида гап борар экан ўша машъум воқеалар шохиди бўлган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек сўзларини бир эсга олайлик. «...Биз ҳар куни эрталаб ҳали у, ҳали бу танишимизнинг қамалганини эшитамиз. Кунлар ниҳоятда бетинч... На кундуз ҳаловат бор, на тунда – уйқуда роҳат. Ҳар дақиқа ташвиш, ҳар дақиқа юрак титроқда...»

Мана шундай азобли тақдир юз минглаб ватадошларимиз қатори ҳали кўпчилигимиз билмайдиган ва қатагон тарихининг номаълум саҳифаларида Назир Тўрақуллов, Ғоли Юнус, Санжар Сиддик, Давлат Ризаев, Нажим Давқораев, Карим Болтаев, Абдулла Тошмуҳаммадов, Саид Ахрорий, Отажон Хошим, Ашуралӣ Зохирий, Ғоли Олим Юнусов, Шокиржон Раҳимий, Мусо Саиджонов, Нормат Исроилов сингари ҳалқимизнинг тараққийпарвар фарзандлари ҳам қолиб кетдилар.



(Бошланиши 1-бетда)

## Тарихий ҳақиқатни тиклаш пайти келди

Мустабид тузум «қора рўйхат»га тушганларнинг хотини, фарзандларини ҳам аямади. Хусусан, Қарағандада «Алжир» (Акмолинский лагерь жён изменников родины) ташкил қилинган бўлса, болаларни собиқ иттифокнинг турли болалар уйлари тарқатиб юбордилар.

Маълумотларга қараганда, НКВДнинг 00486-сонли буйруғи билан 1938-1946 йилларда «Алжир»да 6500 нафар аёл жазо мuddатини ўтаган. 1937 йилнинг 15 августдан 1939 йил январигача 25342 бола оиласидан ажратиб олинган, уларнинг 22427 нафари Халқ маорифи комиссарлигига қарашли турли болалар уйлари ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган. Шундан 1909 нафари Москвада бўлган, 2915 нафари эса боқиш учун бегона оилаларга берилган. 15 ёшдан юқори бўлган болалар эса «ижтимоий хавфли» ҳисобланиб, қамоқхоналарга ташланган...

Қанчалар оғир бўлмасин, бир маълумотни келтирмаслик мумкин эмас. Қарағанда лагеридаги маҳбус аёллардан жазо

ўтаётган даврда 1507 нафар бола туғилган. Бу зўрлашлар ва зўрликлар оқибати эди...

Тарихий манбалар билан танишар эканмиз, қишлоқ хўжалиги ходими Мирмуслим Шермуҳаммадов ва унинг оиласи билан боғлиқ воқеалар эътиборимизни тортиди.

1937 йилда ҳибсга олинган ушбу фуқаро шу йилнинг ўзида отиб юборилди. Унинг аёли Раҳбарой Шермуҳаммадова ҳам турли айбловлар билан қамоққа олинди ва «АЛЖИР»га юборилди. Бири 5, иккинчиси 7 ёш бўлган қизлари эса Қозғистондаги етимхоналарга топширилади. Бу воқеа қатагон ишлари аввалдан режалаштирилгани ва миллатни ўз тараққийпарварларидан махрум этиш масаласида тизимли ишлар олиб борилганини кўрсатади...

Ишончимиз комилки, юртбошимиз қатагон қурбонларининг руҳини шод этиш ва ёш авлодга уларни яқиндан таништириш, тарихий адолатни тиклаш, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ҳамда улар яшаган кўча ва маҳаллаларга номлари-

ни бериш, қатагон қурбонлари бўлган тараққийпарвар зиёлилар фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш ва илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, ҳатто қатагон қурбонларининг яқин қариндошларини излаб топиш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш ҳамда таълим муассасаларида тараққийпарвар жадидлар ва қатагон қурбонлари ўғрисида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш лозимлиги бўйича баҳиз тавсиялар бермадилар.

Зеро, тарих биз учун катта ҳаёт мактаби бўлиб, ўтган кунлар ҳеч қачон қайтарилмаслигини, биз танлаган йўл энг тўғри йўл эканини ёддан чиқармасдан фақат ва фақат олдинга интилишимизга хизмат қилсин.

**Абдумалик АКРОМОВ,**  
**Турсуной МУРАТОВА,**  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари

## 2020 йилнинг январь-июнь ойларида



**Жуманазар АТОЖОНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси

Қонунчилик палатаси депутatlари томонидан 82 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борилиб, 46 та қонун лойиҳаси, шу жумладан, 27 та алоҳида қонун ва 3 та жамланма (19 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) қабул қилинди. Шу ўринда, Қонунчилик палатаси томонидан 4 та қонун лойиҳаси ташаббускорларга қайтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари парламентда 13 та парламент эшитувчи ўтказилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 3 та парламент сўрови юборилган

бўлса, «ҳукумат соати» доирасида 5 нафар ҳукумат аъзосининг ахбороти эшитилди. Назорат-таҳлил тадбирлари ҳам тизимли тарзда олиб борилиди. Хусусан, Қонунчилик палатаси қўмиталарида 46 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти юзасидан уларнинг ахборотлари эшитилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига эса сайловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан 135 та депутатлик сўрови юборилди.



**Қашқадарё вилояти:**  
**808**  
**МИЛЛИОННИ**  
**ундириш осон**  
**эмас экан**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Қосимов сайловчилар билан бўлган бир учрашувда Қамашни тумани, Қизилтепа маҳалласидаги «Ўғлонжон ота» мақбарасини таъмирлашга ёрдам беришини айтган эди. Ниҳоят, узоқ уринишлардан кейин юз йиллар давомида табиат инжиқликларидан жиддий зарар кўрган, XIV асрга тегишли обидани капитал таъмирлаш учун 808 миллион сўм маблағ ажратилди.

Маълумотларга кўра, айти пайтда зўратроқда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва унда самарқандлик усталар ҳам иштирок этипти.



**Қорақалпоғистон Республикаси:**  
**Депутат эски**  
**устунларни қулатди**

Депутат Руслан Жумамуратовга Нукус шаҳрининг «Қос булақ» маҳалласи аҳолиси мурожаат қилиб, «Қирмизи» кўчасидаги эски электр устунларнинг бугунги талабларга жавоб бермай қолганидан шикоят қилишган эди. Депутат вазиятни ўрганиш учун жойига чиққанидан чиндан ҳам «отам замонидан» қолиб кетган устунларнинг чириб адо бўлганига гувоҳ бўлди.

Шундан кейин «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари» раҳбарига «Депутат сўрови» жўнатилди. Натияжада 300 млн. сўмлик 75 дона бетон устун ўрнатиш ва 3 км. узунликдаги электр симларларини қайтадан тортишга киришилди. Энг муҳими, маҳаллага янги трансформатор ҳам ўрнатиладиган бўлди.



**Фарғона вилояти:**

**Сув келтирган азиз бўлди!**

Тақаликларнинг чорак асрлик муаммоси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Мамажоновнинг аралашуви билан ҳал бўлди.

Маълум бўлишича, Езёнов туманининг Тақалик маҳалласида истиқомат қилувчи 3 мингдан зиёд фуқаро шу кунгача тоза ичимлик суви масаласини ҳал этолмай сарсон эди. «Депутатимиз сув келтириб, янада азиз бўлди», дейишмоқда қишлоқ аҳли.

**Андижон вилояти:**

**Туринглар, Турсуной депутат келяпти!**

Елғиз боши билан қиз ўстираётган хонободлик Мунаввар Сотволдиева турли идора ва ташкилотлардан иш топишда ёрдам сўрайвериб чарчади. Ниҳоят ўзи овоз берган депутат Турсуной Муратовга мурожаат қилишга қарор қилди. Парламент қуйи палатаси депутати туманда ўтган навбатдаги учрашувидан кейин маҳалла маъсулларини йиғиб, тўғри М.Сотволдиеванинг хонадонига олиб борди. Шу тариқа кам таъминланган оила бекаси моддий ёрдам олувчилар рўйхатга киритилди.

Энг муҳими, аёл Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан 3-мактабгача таълим ташкилотига ишга жойлаштирилди.







Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

Абу Райҳон Беруний

## ТАРБИЯ КУЧАЙТИРИЛИБ, АДОЛАТЛИ МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИ ЯРАТИЛСА, КОРРУПЦИЯ ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИЛАДИ

Корейс сериалидаги бир эпизод эътиборини тортди: бахтсиз ҳодиса туфайли оиласини йўқотган, ёлғиз қолган ёш йигит йиллар ўтиб, тасодифан бахтсиз ҳодисада омон қолган укасини топиб олади. Кўз ёшлар, соғинч тўла кучоқлашлар...

Бироз ўтиб, шу йигит акасининг қотил эканини билиб қолади ва ёлғон билан яшай олмаслигини айтиб, акасини ўз айбига иқдор бўлишга кўндирди. Ака умрбод қамалади...

Ёлғон билан яшай олмаслик... Бу қандай хислат?

Немислар вақтга соатдек амал қиладилар, японлар ўз ташаббусларини амалга ошириш йўлида ҳеч қачон иккиланмайдилар, турклар эса ўз байроқлари учун ўлимга ҳам тайёрлар... Бу халқларнинг характериға айланиб кетган хислатлар уларнинг тарбия тизимига ҳам сингдириб юборилган. Корейслар ҳам шу сабаб ёлғон билан яшай олмайдиган даражада тўғрилар.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхоннинг интервьюсини ўқиб чиқиб, ушбу хулосамни қозоғга тушириш зарур деган фикрга келдим.

Чунки коррупция муаммосини биргина агентлик зиммасига юклаб қўйиб, осмондан натижа тушиб қолишини кутиш нотўғри. Бу курашда жамиятнинг лоқайд бўлмаган барча аъзолари бирдек иштирок этишлари керак.

Жамиятимизда мустақкам илдиш отган коррупцияни бошқарув тизимида шаффофлик ёки фарбда муваффақиятга эришган назорат тизимларини ўзимизда жорий этиш билан энгшига умид қилиш соддалик бўлади. Таҳлиллар, ишончли чиқишлар, таъсирли пиар акциялар ўткинчи кайфият яратиши мумкин, ишонинг, аммо муаммонинг ўқ илдишларига етиб бормайди. Қаноатим, муаммони ҳал этиш учун йиллар ва пухта ўйланган, тизимли ечимлар зарур.

Коррупция бировнинг ҳақини ейишдир. Бу – жиноят ҳалолликни билмайдиган, бировлар ҳақидан кўрқмайдиган инсонлар томонидан амалга оширилади. Шаффоф тизимлар ҳақидаги ҳаваслар ҳам шу каби инсонлар томонидан осонгина йўққа чиқарилади. Демак, масаланинг ечими инсон омили билан боғлиқ.

Ҳалоллик ва ўзгалар ҳақини ейишнинг ёмон экани болаларнинг онгостига боғча ёшиданоқ сингдирилиши шарт. Сингдирилганида ҳам ҳозиргидек ҳисобот учун, жисмоний тарбия ўқитувчиси томонидан эмас, тизимли методика асосида, психология, педагогика, физиология ва мантиқ фанини махсус, мукамал эгаллаган тарбиячилар томонидан сингдирилиши керак. Бундай ихтисослик Педагогика олийгоҳларида жорий этилиши ва бу соҳага тарбиячилик қобилиятига эга йигит-қизларни аввал психологик тестлар, кейин эса имтиҳонлар асосида танлаб олиш керак. Минглаб шундай мутахассислар оилалар, боғчалар ва мактабларда фақат тарбия билан шугулланишлари лозим...

Жамиятда ҳалол инсонлар кўпчиликини ташкил этмагунча, коррупцияни энгшига қаратилган серхаражат ва самарасиз кураш тугамайди. Ўзимизни ўзимиз алдамайлик! Ҳар қандай жазолаш тизимининг таъсирчанлигини инсон белгилайди.

Коррупция – аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, яхши яшаш учун манба излашнинг оқибати ҳамдир.

Инсон доимо яхши яшашга интилган ва бундай кейин ҳам интилаваради. Уқимаган, ўзини қийнамаган, дангасалик, эътиборсизлик, калтабин хатолар оқибатида ҳаётини изидан чиқариб юбориб, қийналаётганларга «ўзингиз айбдорсиз» дея таъна қилиш осон. Лекин илмли, мутахассис, ўз соҳасининг профессионаллари бўлганлар йиллаб пул йиғиб, жамғаргани кичик бир автомашина сотиб олишга етмаса, бу ерда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг тўғри эмаслиги ҳақида гапириш керак бўлади. Албатта, коррупция яна коррупция, ўғри яна ўғри, лекин, ишонинг меҳнатига етарли ҳақ олмаган одам нотўғри бўлса ҳам ўзи учун «коррупцияга мажбурликдан қўл урдим» деб хулоса қилаверади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизими бўлмаган жойда эса қанча кўрқитманг, жазоламанг, назорат қилманг, тарбияланганлар адолатли иш ҳақи излаб, тарбияланмаганлар эса яхши, ёмон фарқи йўқ, манба излаб ҳаракатланаверадилар.

Биз коррупцияни бугун энга олмаймиз. Чунки жуда кўпчилигимиз бировнинг ҳақидан кўрқмаймиз. Уларнинг ҳаммасини жазолаш мумкин бўлмаганидек, ҳаммаларини ўзгартириб ҳам бўлмайди. Биз коррупцияни эртага энгши учун иккита масалани бугун ҳал қилишимиз керак, яъни, тарбияни кучайтириш ва адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини яратиш. Тамом!

@alisher\_qodirov

### Қорақалпоғистон Республикаси:

#### Қоловни топган депутат...

Нукус туман кенгаши депутати Тамара Жуманова «Дарбент» овулининг икки нафар ишсиз фуқаросини иш билан таъминлади. Маълум бўлишича, депутатимиздан ёрдам сўраганлар айни пайтда «Шарибай асалчи» деҳқон фермер хўжалигида меҳнат қилишяпти.

### Наманган вилояти:

#### Депутат чиқиндиҳонага «ўт» қўйди



Поплик депутат Иқболжон Холиков бир ҳафтада атрофи чиқиндига тўлиб кетган Эски деҳқон бозорини тозалатириб қўйди.

Бодомзор маҳалласи аҳолиси мурожаатидан кейин депутат вазиятни ўрганиб, бу бўйича туман Экология ва табиатни муҳофазасига қилиш инспекциясига депутатлик сўрови юборди ва муаммо бир ҳафтага қолмай ҳал бўлди.

### Фарғона вилояти:

#### Депутат ташаббуси билан жойлар ободонлаштирилмоқда

Риштон туман кенгаши депутати С.Ниёзов ташаббуси билан Зоҳидон, Ёшлик ва Мевазор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Зоҳидон ҚВП ҳудуди ободонлаштириляпти. Ушбу ҳашарга бошқа ташкилотлар ҳам жалб этилди.

### Тошкент шаҳри:

#### Саховатпешалар кўпаяверсин



Чилонзор туман кенгаши депутати Санжарали Имомов маҳалла аҳли тавсиясига кўра, карантин сабаб қийналиб қолган оилаларга моддий ёрдам уюштирди. Депутат бу сафар Бешкўрғон маҳалласининг 50 та оиласига 10 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берди.

### Андижон вилояти:

#### Сулаймоновнинг навбатдаги ташаббуси



Андижон вилоят кенгаши депутати Муроджон Сулаймоновнинг навбатдаги ташаббуси билан Марҳамат туманининг «Бобохуросон» маҳалласида мини стадион ва ёпиқ спорт майдончаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Маълум бўлишича, депутат сайланган ҳудудда аҳолига савдо хизматларини кўрсатувчи минимаркет ҳам бунёд этилмоқда.

### Кутинг!

#### Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимида

## 2020 йилнинг 8 ойи

### давонида қандай ишлар амалга оширилди?

Келгуси сонларда

Кутлаймиз!

# Юз йилликларини нишонлаш насиб этсин!

Ўтаётган ҳафта Ўзбекистон ОАВ майдонига ўзига хос тарзда кириб келган "Milliy" телеканали ўзининг 4 ёшини нишонлади. Тўғри, ушбу телеканалнинг пайдо бўлиши бир пайтлар Россия НТВларидек мамлакат ахборот маконида катта бир сиёсий воқелик сифатида кўзга ташланмади. Аммо қисқа давр мобайнида Milliyлик, урф-одат ва анъаналаримиз, бир сўз билан айтганда, кадрларимиз юзига қўнаётган губорларни тарқатишга ушбу канал ижодкорлари салмоқли ҳисса қўша олдилар, деб айтиш мумкин.

Агар тонги «Ассалом» кўшиғи, «Ширчай» дастури чуқурроқ таҳлил этилса, ТВ деганлари ортиқча бақир-чақирларсиз ҳам халққа хизмат қилиши мумкин эканку, деган фикр ҳаёлингиздан ўтади.

«Milliy» каналининг 4 йиллиги муносабати билан канал муассисларидан бири Комил Алламжоновнинг ёзишича, ушбу канал 20 киши билан иш бошлаган.

– Булар – Юлдуз Ҳошимова, Ақром ва Қахрамон Маҳамовлар, Баҳодир Қосимов, Бахтиёр Иноғомов, Шухрат Расулов, Дэйл Аҳмади, Суннатилла Қўзиев, Жасур Шаметов, Паша Ким, Сарвар Пулатов, Мунис Тошматова, Ботир ва Ўткир Муҳаммадхўжаевлар, Ҳасан ва Хусан Салиховлар, Севдо Ниёзова, Аюб Шаҳобиддинов, Шухрат Жалилов, Сергей Ким-

лар, – деб ёзади К.Алламжонов. – Энг бахтли дамларим эди ўша пайтлар! Чунки, ичимдан қайнаб чиқаётган ғояларни амалга оширишдан мени ҳеч ким ва ҳеч нима тўхтатиб қололмасди. Менда ўзбек халқининг урф-одатлари, маросим-тадбирлари, ўзбек миллатининг ҳақиқий қадриятлари ва турмуш тарзини кўрсатиб бериш имкони бор эди.

Бугун телеканал 4 ёшга тўлди. Бу даврда у ўз ўрнига эга бўлди. Мухлисини топди. Файз ва сифатни ушлашга ҳаракат қилди, бачканаликдан қочди. Энг нуфузли 8 тонналик ош ва «Ўзбегим» китоби лойиҳаларини амалга ошириб, ўзбек ошини Гиннес рекордлари китобига киритган ҳам MILLIY телеканал бўлди. Канал барча ўзбек шоу-бизнес вакилларининг

ҳам майдонига айланди. Йиллар давомида қатъий тақидқа бўлган машҳурлар – Шерали Жўраев, Обид Асомов, Юлдуз Усмонова ва Озода Нурсаидовалар фаолиятларини қайта тиклашлари ва янги даврдаги биринчи чиқишлари ҳам айнан MILLIY телеканалда рўй берди.

Илоҳим, кўз тегмасин бу каналга. Яшнайверсин бу канал! Умри ва фаолияти узун бўлсин! Байрам муборак, ҳамкасбларим!..

«Milliy тикланиш»чилар ҳам Комил Алламжоновнинг ана шу тилакларига қўшилган ҳолда, айни пайтда босма нашрлар бошдан кечираётган қийинчиликлар ҳамкасбларимиз бошига тушмасин, дея ният қиламиз.

Умид АРСЛОНБЕКОВ







Одамларнинг тубан даражалиси ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бировга эгаллик ва раислик қилишдан холи эмас.

Абу Райҳон Беруний



Хавотирга  
солган

## НАИМ КАРИМОВНИ Мир очиладимизми?

Ўн кунча аввал журналист Муниса Алиеванинг Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, таниқли олим Наим Каримов билан уюштирган мулоқотини журналистнинг facebookдаги саҳифасида ўқиб қолдим. «Даракчи» газетасининг 2018 йил, 18 январь сонидан эълон қилинган ушбу сўхбатда муҳокама этилган масалалар бугунги кун ўқувчиси учун ҳам қизиқ эканини инобатга олиб, мақолани бироз қисқартирган ҳолда чоп этишга қарор қилдик...

«...Шундай инсонлар борки, улар бамисоли энциклопедия. Адабиётшунос олим, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Наим Каримов ана шундай инсонларнинг бири.

— Президент фармони билан 32 нафар олимнинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланиши, нафақат олимлар, балки бутун мамлакат илм-фани учун ҳам тарихий воқеа бўлди. Илм йўлига кирган ҳар қандай киши маълум бир ҳаёт босқичларида ё номзодлик, ё докторлик диссертациясини ёқлайди. Шу йўсинда шаклланади, издошлар, шогирдлар етиштирилади. Бунда унинг учун бирон фан соҳасида мактаб яратиш имкони ҳам пайдо бўлади.

Мана шу мактабни кўпинча олимлар яратишади. 22 йил мобайнида Фанлар академиясига сайловлар бўлмади. Бу вақт ичида кимдир вафот этди, кимдир бетоб бўлди, кимдир нафақага чиқиб, илмий фаолиятдан узоқлашди. Ана шу даврда Ўзбекистон илм-фани таназулга учради, деган фикрдан йироқман, албатта. Аммо Фанлар академиясига сайловларнинг ўз вақтида ўтказилиши академиклар сафига янги «қон», «тоза ҳавони» олиб киради, бу эса фанда узиллиш бўлмаслигини, устоз ва шогирдлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг изчил давом этишини таъминлар эди.

Мен ҳам, академияга сайланган бошқа академиклар ҳам, албатта, биринчи навбатда мамлакат раҳбаридан, бизга овоз берган академиклардан миннатдоримиз. Уларнинг бизга бўлган катта ишончлари зиммамизга улкан масъулият юқлайди. Айниқса, Президентимиз ишончини оқлаш, бу— катта юкни елкамизга ортиш билан баробар. Эндиликда зиммамиздаги вазифаларни адо этишда гайрат қилишимиз керак.

— Қатагон қилинганларга оид ҳужжатларда эълон қилинмаган маълумотлар кўпми?

— Баъзи маълумотларни ошкор қилишнинг илжоси йўқ эди. Сабаби, қатагон қилган одамлар Москва-

дан келиб қолганларгина эмас, ўз орамиздан чиққанлари ҳам оз бўлмаган. Ҳатто 80-йилларда Шароф Рашидовга «мағзава ағдариб», тўхмат қилганлар у кишининг энг яқин хизматдошлари эди. 30, 50-йилларда эса бундай кимсалар саноксиз бўлган. Бугун уларнинг авлодлари биз билан яшамоқда. Уларнинг оталари гуноҳи учун халқ ичида боши эгилмаслиги, айрим

келиш учун дадам мени бир неча марта уларниқига юборганлари ҳам эсимда.

Дадамнинг икки акаси математик бўлиб, Қори Ниёзийнинг шогирдлари эдилар. Дадам эса физикани танлаганлар. Амманнинг бир ўғли эса ўзбек адабиёти бўйича ҳам, мумтоз адабиёт бўйича ҳам мутахассис эди. Ўқувчилик пайтим уларнинг уйларига кўп борардим.

устун кўйишарди.

— Бугун китоб ўқимаслик касалликка айланганими? Нима деб ўйлайсиз?

— Китобхонлик ҳақида афсуски фақат қоғозларда гапирялмиз. Яқин-яқингача ҳам ҳар бир хонадонга почтачи камида 2-3 та газета олиб келарди. Имконияти борлар Москвада чиқадиган газета-журналларга ҳам обун бўларди. Газеталарни фақат ота-оналармас, болалар ҳам ўқийарди. Оила бошлиқлари кўлига газета олмас, китоб олмас, фарзанди нима қилсин? Бугун матбуот шохобчалари буюм сотиладиган дўконларга айланб қолди. Китоб дўконлари очиланти-ю, лекин унга одамлар оқиб келяптими-йўқми? Одамлар янги чиққан бирор асарни муҳокама қилаяптими? Бирорта китоб дастлаб оғиздан-оғизга, кейин қўлдан-қўлга ўтиб ўқияптими?

Китобни тарғиб қилиш йўллари кўп. Фақат биз улардан унумли фойдаланмаялмиз. Асари нашрдан чиққан ёзувчининг ўзи ҳам китобхон билан яқин алоқа ўрнатиши керак. Телевидение, радио ва интернетда чиқишлар қилиши, ўқувчилар унга хатлар ёзиши керак. Ёзувчи билан таълим муассасаларида, ишхоналарда, кутубхоналарда учрашувлар ташкил қилиш, асар қандай ёзилгани ҳақида сўхбатлашиш, асар мавзуси, қаҳрамонлари бўйича фикр алмашиш лозим. Бу жараён оммавий ахборот воситаларида доимий равишда ёритилиши керак.

Шуниси ҳам ачинарлики, давлат мукофотлари кўпинча ўртамеъна асарларга бериллади. Бир гал менга таниқли ёзувчининг янги китобини олиб келиб беришди. Мақола ёзиш учун жиддий ўқиб чиқиш керак-ку. Мен уни ўқимедим, аниқроғи ўқиб бўлмади. Узоқ йиллар ана шундай асарларга давлат мукофотлари берилди.

Энг қизиғи, бу китоб тақдимот қилинмаган бирорта вилоят қолмади, бир неча марта нашр ҳам этилди. Уни ўқиган одам эса, «э китобинг курсин», демайди? Шундан кейин китобга муҳаббат қоладими?

« Ҳатто 80-йилларда Шароф Рашидовга «мағзава ағдариб», тўхмат қилганлар у кишининг энг яқин хизматдошлари эди. 30, 50-йилларда эса бундай кимсалар саноксиз бўлган. Бугун уларнинг авлодлари биз билан яшамоқда. »

оилалар ўртасида душманчилик, зиддиятлар бўлмаслиги учун ҳам шундай маълумотларни эълон қилиб бўлмайди.

— Уруш даври фарзандисиз. Қарамай, ким сизда адабиётга меҳр уйотган?


— Мен 1-синфга борган пайтимда уруш бошланган. Уша пайтда мактаблар қизлар ва ўғил болалар мактабига айлантирилган. Мен ўқимокчи бўлган мактаб қизлар мактаби эди. Шу боис дастлаб Тошкент атрофидаги Унқўргон қишлоғида жойлашган 7 йиллик мактабда ўқиганман. Ушанда қишлоқ мактабларида ўқитувчилар қолмагани учун шаҳар мактабларидаги ўқитувчилар қишлоқларга юборилган. Отам физика ўқитувчиси бўлганлар. Маълум муддат қишлоқ мактабиди дарс беришган. Кейин Маориф вазирлигида ишлаб, мактаблардаги камчиликларни бартараф этиш, дарсликлар яратиш, хусусан, ўзбек адабиёти бўйича ҳам дарсликлар, хрестоматияларни янгиллаш жараёнида қатнашганлар. Уша пайтлар уйимизга тез-тез Гафур Ғулор келиб турар, дадам билан ўзаро борди-келди қилишарди. Гафур аканинг таржималарини олиб

Ўшанда таниқли адабиётшунослар — Содиқ Қосимов, Ҳамидулла Убайдуллаевлар у киши билан дўст эдилар. Улар йўғилишарди-да, бир-бирларининг мақолаларини кизгин муҳокама қилишарди. Менда уларни кўриб адабиётга қизиқиш уйғонган.

Бир куни мактабимизга бир гуруҳ талабалар амалиёт ўтагани келишди. Улар орасида Муршида исмли қиз ҳам бор эди. У бизга адабиётдан дарс ўтган. Унинг сўзлаш оҳанги жуда ўзгача эди, дарсни ҳам қизиқарли ўтарди. Европача кийинарди. Биз уни қаттиқ ҳурмат қилиб, дарсдан кейин уйигача кузатиб кўярдик. Аммо кўп ўтмай Муршида мактабга келмай қўйди. Билсак, у Акмал Икромовнинг жияни экан. «Халқ душмани»нинг қариндоши бўлгани учун Тошкентдан чиқариб юборилибди. Сиз болаликни эслашга ундадингиз. Беихтиёр уша давр одамлари кўз олдимга келяпти. У вақтда одамлар бошқача эди...

— Қандай эди?

— Мақтаноклик, айёрлик, ваъдабозлик умуман беғона эди уларга. Уларнинг психологияси ҳам бошқача эди. Одамлар ўз манфаатидан кўра, кўпчилик манфаатини



(Бошланғичи 1-бетда)

## Депутатлар қабристондан хазина топишди

Узоқ ўрганишлардан кейин депутатлик гуруҳи аъзолари ушбу объектни маданий мерос сифатида қайд этиш масаласини халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши сессиясига киритдилар. Ва...

Туманнинг эски шаҳар қисмида ана шундай обидалар мавжудлиги эътиборга олинб, партия туман кенгашига маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва оқилона фойдаланиш ишларини тубдан такомиллаштириш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган «Йўл ҳаритаси»ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

— Пойтахтимиздаги тарихий объектларнинг асосий қисми Олмазор туманининг Эски шаҳар қисмида жойлашган, — дейди партия Олмазор туман кенгаши раиси Раҳимжон Маҳаммадиев.

— Хусусан, худудимизда рўйхатга олинган 49 та маданий мерос объекти бор. Ҳали рўйхатга олинмаганларни қанча. Шундай обидалардан бири «Жоми Дурдон бобо» мақбараси бўлиб, афсуски ушбу объект ҳақида ҳали-тула маълумотга эга эмасмиз. Айрим мақбараларда ушбу обиданинг 1675-1767 йилларда яшаб ўтган авлиё, темирчилик билан шугулланган шахс номини абадийлаштириш мақсадида қурилгани таъкидланаяпти. Кейинчалик мақбара деворлари хашар йўли билан суваб ташланган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият бошқармаси бўлим бошлиғи Шавкат Музаффарнинг маълум қилишича, «Миллий тикланиш»чилар томонидан «Жоми Дурдон бобо» мақбарасини маданий мерос объекти рўйхатига киритишга доир тупланган ҳужжатлар бошқармага келиб тушган. Айни пайтда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Маданият вазирлигининг Маданий мерос департаменти хузуридаги илмий-экспертиза кенгашига янги топилмани рўйхатга олиш бўйича муурожаат йўлланган.

Анора ХАЙДАРОВА,  
Тошкент шаҳар кенгаши  
бош мутахассиси

✓ Кеча ва бугун

## Манфур Геббелснинг режасини барбод қилган Раимбердиевга совға келди

Кенгаш биносига кираётсам қаршимдан кенгаш раиси Норбобо ака Соатов жилмайиб чиқиб келди.

— Гулистонга, Раимбердиевниқига кетаялмиз, борасизми, — деб қолдилар кутилмаганда. — Ота билан бир гурунглашиб келамиз...

Беихтиёр Гулистон туманининг Ўювли қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси, дондор пахтакор Холмирза Раимбердиев ёдимга тушди. Партиянинг вилоят, туман миқёсидаги тadbирларида фаол иштирок этадиган оқсоқолимиз ҳақида ўтган йили газетада очерк ҳам эълон қилгандим.

Яши топиб гапирди деган машҳур ўзбек мақолининг «асл намоёндаси» Холмирза ота десак муболага бўлмайди. Отахоннинг гапларини эшитиб, унинг 100 ёшни «қуриб» қўйганига ишонгингиз ҳам келмайди.

Отахон билан бу галги сўхбатимиз уруш ҳақида бўлди...

— 1942 йилнинг 13 октябрида кўлимга чақирув қоғози беришди, — дея гап бошлади отахон. — Свердловскдаги ҳарбий полигонда тайёргарликдан ўтгач, бинойидек автоматчиға айландим. 1943 йилнинг ёзида маршал Рокоссовский кўмондонлигидаги 2-Белоруссия fronti 76-Черниговский дивизияси таркибиде жангга кирдим. Дастлаб Орёл, кейин Смоленск шаҳарларини озод қилдик. Беларуссия пойтахти - Минскни эгаллашда эса душмanning кескин қаршилиғига дуч келдик. Фашистлар бу шаҳарга тиш-тирноғи билан ёпишиб олишган экан. Бир неча бор уюштирилган зарбалар ҳам таъсир

қилмади. Қайтанга шаҳарга баттар ёпишиб олишди. Охир-оқибат кўмондонликнинг қатъий буйруғи билан еру кўкдан ҳужум-штурм бошланди. Саноксиз қурбонлар эвазига шаҳар босқинчилардан озод этилди-ю, аммо шаҳар чеккасидаги бир қўхна бинони фашистлар зулукдек ёпишиб ҳимоя қилишди. Унияма «тозаланишимиздан кейин эса ҳамма сир ошкор бўлди. Маълум бўлишича, фашистлар босиб олинган ерларда «ўлжага» олинган ва олиб кетишга улгурилмай қолган тарихий ашёлар, экспонатлар, тилла-кумуш буюмлар, қимматбаҳо картиналарни шу шаҳарга келтириб, бинонинг кенг, мўл ертўласига яширишган. Геббелснинг махфий кўрсатмасига биноан, бу ашёлар тездан Германияга жўнатилиш арафасида экан.

Иккита музей биносига ҳам сиғмайдиган хазина сақланаётган омборни айланаётиб, қора мато ташлаб қўйилган кичик бир «тоғча»ни кўриб қолдим. Очиб қарасам, аёлларнинг тилла тақинчоқлари ёнида одамлар оғиздан сугуриб олинган тилла тишлар уюмчаси турарди...

Бинонинг орқа томонига ўтгач, ҳамма даҳшатдан донг қотиб қолди. Не кўз билан кўрайликки, маҳаллий аҳолининг эрқагу аёли ўлик ҳолда қалашиб ётар, мурдалар чирий бошлаганидан атрофни қўланса хид тутиб кетганди. Асирлардан бирининг айтишича, кичикроқ унвондаги немис офицерлари маҳаллий аҳоли орасидаги тилла тишларни, тилла тақинчоқли аёлларни шу ерга ҳайдаб келиб қамашар, ҳафталаб нон-сув бермай обдон силласини қуриштириб, кейин тишларини сугуриб олишар экан.

Ҳазабдан ўзимни босолмай қолдим, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Шундан кейин ташқарига чиқиб, асир олинган 19 нафар фашистнинг нақ пешанасига автоматдан ўт очдим...

Холмирза ота 1944 йилда Беларуссиянинг Кобрин шаҳрида оғир яраланди. Ғалабанинг дарагини ҳам госпиталда эшитди. Узоқ даволанишлардан кейин 1945 йилнинг август ойида қишлоғига қайтди. Қўлига кетмон олиб ер чопди, пахта экди. Республикада дондор пахтакорлар қатори ном чиқарди. 2015 йилнинг ғалаба баҳориде Беларуссия Президенти Александр Лукашенко Холмирза Раимбердиевга шахсан табрикнома ва эсдалик медал, қимматбаҳо тухфа йўллади.

2019 йили отахон пойтахтда ўтказилган Хотира ва қадрлаш байрами шодиёналарида Президент Мирзиёев билан қучоқ очиб кўришди. Шу билан бирга, юрт отасининг қўлидан анвойи совғалар олди. Ҳозирда Холмирза ота рафиқаси Рўзигул ая билан ўн фарзанднинг, 92 набиранинг қуршовида қариллик гаштини суряпти.

Хайрлашар эканмиз «икки ёш» данагидан кўра «мағизлар»ни хуш кўришларини айтиб роса қулишди. Биз эса уларга чин дилдан ҳаваас қилдик.

Дилобар КАТТАБЕКОВА,  
Сирдарё вилояти кенгаши  
матбуот қотиби  
Абдуғаффор ОМОНБООЕВ,  
журналист







Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай, уядаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб юборадилар.  
Абу Райхон Беруний

## Оққан дарё



## яна оқа бошлади

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида Мирзо Улуғбек қурдирган Мадрасаи олия ва унинг қошидаги Улуғбек академиясининг вориси – Самарқанд давлат университетининг шонли тарихи тўғрисида кўплаб маълумотлар эълон қилинмоқда. Академик Бўрибой Аҳмедов «Мирзо Улуғбек» бадиасида ёзганидек: «...Академия XV асрнинг ўзида бизнинг Самарқандимизда ҳам бўлган экан. Буёғини сўрасангиз, «Самарқанд академияси» деган гапнинг қаердан ва қачон чиққанлиги ҳам маълум. Бу гапни айтган одамнинг исми шарифини ҳам биламиз. Бу гап... узоқ Францияда, бундан 200 йил муқаддам чиққан. Уни машхур ёзувчи, файласуф ва тарихчи олим Ф. М. Вольтер айтган экан. Мана унинг сўзлари: «Трансоксианада унинг (Амир Темурнинг) ўрнига тахтга чиққан машхур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди...» (Вольтер. Танланган асарлар, Женева, 1769, т. IX, 199-саҳифа).

Ҳа, Вольтер ҳақ. Ўша пайтларда Самарқандда академия бўлган. Мирзо Улуғбек атрофига уюшган олимларни жамлаган машхур Мадрасаи олия ўз замонасининг дорилфунуни эди. Унда Куръон, Ҳадис ва Тафсиридан ташқари, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, жуғрофия, илми аруз (поэтика) сингари дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Бундай дейишга далил-ашъмиз бор.) – Самарқанд давлат университетининг 600 йиллик тадрижи. Шарқу Фарбдаги эҳтироми, мадрасавий каломи ҳақида дунё матбуотида эълон қилинган бир неча ўнлаб чиқишларни келтириш мумкин.

Бу ҳақда СамДУ ректори, профессор Р.Холмуродов «Халқимизда «Оққан дарё оқавради», деган ниҳоятда ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, эзгу тутумлар қадриятга айланади, яхши фазилатлар қондан-қонга ўтади. Жумладан, илму зиё ҳам суяк суради. Шу маънода, тамаддуний тараққиёт ҳам узлуксиздир», деганида тамомила ҳақ эди.

Бир саволни ўртага ташлайлик: Ватанимиз худудидан Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Хусрав Деҳлавий, Мирзо Улуғбек, Хожа Ахрор, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод, Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб каби буюк сиймолар етишиб чиққан. Улар башариёт тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Буни бутун олам билади. Хўш, ушбу буюк зотлар ақл-тафаккур, илм-фан, маънавият-маърифат бобида қандай қилиб олий мақомларга эришдилар?

Улар қаерда ўқишган? Кимлардан таълим олишган? Шубҳасиз, юксак билимга эга бўлиш учун инсон, албатта, юксак даражада таълим-тарбия олиши керак. Илмий мактаблар, баҳслар, муҳит, зарур шарт-шароит мавжуд бўлсагина етук салоҳият камол топади. Бўлмаса, бори

анъана ва қадриятлари бор. Бу олий мақом, анъана ва қадриятларнинг изи, риштаси эса бизни Самарқандда 1420 йилда иш бошлаган Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясига элтади. Бу юртимиз тарихида фаолият кўрсатган олий мадрасалар бугунги кундаги олий таълим даргоҳларининг

бу даргоҳ билан келажакда улугвор режаларни амалга оширамиз», – деди.

Бир сўз билан айтганда оққан дарё яна оқа бошлади. Дунёнинг юздан ортиқ университет ҳамда таълим марказлари билан ҳамкор СамДУ бугун яна ёш олимлар, янги кашфиётлар марказига айланмоқда. СамДУда таълим олган академиклар, алломалар, шоирлар, ёзувчилар, халқнинг турли илғор сафларида тер тўкаётган кишилар ҳақида ҳам узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Кейинги йилларда СамДУнинг ёш олимлари ҳам дунёнинг юзлаб илм даргоҳларига йўлландилар. Улар Мирзо Улуғбекнинг излари ўчмаганини, улар изидан бораётган авлод улғайётганини, ўзлари истеъдодда, илмий изланиш ва иқтидорда оламдаги ҳеч бир мамлакат ёшларидан қолишмасликларини амалда исботламоқдалар.

Университет раҳбарияти эса Улуғбек ғоялари, оламшумул ишлари, руҳи билан ёш олимларни қуроллантириш йўлида тер тўкмоқда. Бу хатти-ҳаракатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Буюклигимизни, танамизда қандай буюк қонлар борли-

гини биз фақат билимимиз билан, қиладиган ишларимиз билан кўрсатишимиз мумкин. Фарзандларимизни ўқитиб, уларни жаҳонга чиқара олсак, байроғимизни катта-катта жойларда хилпирата олсак, бундан ортиқ бахт, бундан бошқа орзу-ниятим йўқ...»

Бу гапларни буюк байрамимиз ва қийин вақтларда бежизга айтмаймиз. Юрагимдаги армонимни, юрагимдаги буюк ниётларимни айтаямиз. Ҳаммамиз бирлашиб, мактаб остонасини «сиз» десак, албатта, буюк ренессансга эришамиз. Вақтлар ўтади, ҳаммамиз ҳам ўтиб кетамиз. 10 йил, 15-20 йил ўтади. Ҳозирги 1-синфдаги боламыз, албатта, Улуғбек, ибн Сино, Беруний бўлади. Мен бунга ишонаман», деган комил ишончи мустаҳкам пойдеворга эга эканини яна бир бор исботлайди.

Бундай эзгу мақсадлар ортида эса улкан имконият, салоҳият бор. Зеро, Мирзо Улуғбекдан дуо олган 600 ёшли табаррук ва забардаст Самарқанд давлат университети халқаро миқёсга, учинчи ренессанс майдонида биринчилар қаторида мардона кириб борапти.


«...Юрагимдаги армонимни, юрагимдаги буюк ниётларимни айтаямиз. Ҳаммамиз бирлашиб, мактаб остонасини «сиз» десак, албатта, буюк ренессансга эришамиз. Вақтлар ўтади, ҳаммамиз ҳам ўтиб кетамиз. 10 йил, 15-20 йил ўтади. Ҳозирги 1-синфдаги боламыз, албатта, Улуғбек, ибн Сино, Беруний бўлади. Мен бунга ишонаман»

ҳам завоқ топади. Шундай экан, Ўзбекистон олий таълим тизими чуқур илдишларга эгаллиги аниқ. Афсуски, мамлакатимиз худудида фаолият олиб борган илмий мактаблар тарихини тадқиқ қилишда шу вақтга қадар айтарли ютуқларга эришилмади. Бунинг сабаби, Ватанимиз истиқлолигача бу ҳақда гапиришнинг имкони йўқ эди. Шу сабабли мамлакатимиздаги илк олий таълим муассасаси сифатида 1918 йилда иш бошлаган Ўзбекистон Миллий университети кўрсатиларди. Юртимизда олий таълим тизими пайдо бўлганига эндигина бир аср бўлибди, деган хато ва бир томонлама тасаввур не-не алломаларни улғайтирган халқимизнинг шонли тарихига нисбатан, енгилроқ айтганда, лоқайдлик эди.

Самарқанд давлат университети эса ўтмишнинг бой ва қадимий. Унинг тарихий-меъморий иншоотлари, асрлар оша бизгача етиб келган қўлёмалари, нодир асарлар, маънавий муҳит,

«бобокалони» эди, деган хулосани беради.

Бу хулоса АҚШ, Германия, Арабистон, Туркия, Япония, Корея, Россия, Хитой, Эрон, Канада каби мамлакатларнинг нуфузли журнал ҳамда газеталарида ҳам далиллар билан эътироф этилмоқда. Айниқса, буни 2020 йил 16-17-июль кунлари Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференциянинг ўнлаб иштирокчилари ҳам тўлқинланиб эътироф этдилар. Улар янгидан-янги далиллар билан СамДУнинг 600 йиллик тарихи тўғрисида, Улуғбек даври илмларининг бутун дунёни қамраб олганлигини далиллар асосида маълум қилишди. Истамбул университети ректори Маҳмуд Аки иштирокчиларнинг мулоҳазаларини тўлдирди: «Чуқур кўнгли боғлари билан боғланганимиз туркий жумҳуриятларнинг энг илғоридан бири Самарқанд давлат университети билан амалга ошираётган илмий ҳамкорлигимиз биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Биз



Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор



Фахриддин ШОДИЕВ, СамДУ Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди

## Кечикаётган суҳбатлар...



АҚШнинг Миннесота штатида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси – 2020» танлови ўтказилиб, унда 30 ёшли мусулмон аёл – Қоршо Ҳассан ғолиб бўлди.

«Star Tribune» нашри халқаро кўра, 56 йилдан бери ўтказиладиган ушбу тадбир ғолибаси Бернсвилл шаҳрида жойлашган «Echo Park» мактабида туртинчи синф ўқувчиларига дарс берар экан. Қоршо Ҳассан штат мактабларидан кўрсатилган 135 та номзодни енгиб, финалгача етиб келган.

Асли фаластинлик бўлган, энг аҳамиятлиси қочқинлар лагеридан вояга етган Қоршо Ҳассан тақдирлаш маросимидаги нутқида болаларни кўпроқ эшитиш тарафдори эканини айтган. Ҳассаннинг фикрича, ўқувчиларнинг ҳар қандай нарсасига қодир эканини ўқитиш таълим жараёнида энг катта ютуқ ҳисобланади.

Бир қарашда Ўзбекистон таълим тизими ҳамда устоз-мураббийларимиз учун унчалар аҳамиятли саналмаган ушбу хабар йигирма кунча аввал ижтимоий тармоқларда

бир-икки кўриниш берди, хулоса. Аммо хабарда алоҳида қайд этилган «ўқувчиларга уларнинг ҳар қандай нарсасига қодир эканини ўқитиш энг катта ютуқ» ҳисобланиши ҳақидаги фикр мамлакатимиз таълим тизими мутасаддилари эътиборини тортса бўларди. Чунки биз кейинги пайтда асосан ўқувчиларни тарбиялаш ҳақида гапиряемиз, аммо тарбия кўрган, чуқур билимли ўқитувчиларни тайёрлаш ҳақида кам гапиряётгандекмиз.

Тўғри, бундай мулоҳазалар тизим ривожини учун масъулларга ёқмаслиги аниқ. Улар эртага «Раҳмат Сизга, яна бир бор камчиликларимизни кўрсатиб, кўзимизни очиб-сиз» демайдилар. Бундан ташқари улар педагоглар маънавиятини ошириш борасида амалга оширилаётган буюк, изчил, тизимли, самарадор ва албатта салмоқли натижалар бераётган тадбирларни

кўзmunчоқдек териб қўядилар олдингизга.

Ҳақ гап. Ўқитувчилар учун ўқув-семинарлар, малака ошириш курслари режа асосида ташкил этиляпти. Ва, бундай «буюк» тадбирлар учун давлат бюджетидан миллиардлар ажратилаётгани ҳам бор гап. Лекин ҳали бирон-бир ўқувчининг «Кеча устозимиз дарсдан кейин, Эшмат, Тошмат ва мени олиб қолиб, бизни роса саволга тутдилар. Эртага ким бўлишимиз, нимага қизиқишимизни сўрадилар» деган гапини эшитмадик. Аммо бу жараён учун ўқитувчи айбдор бунга, деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак. Ўқитувчи узоқ йиллар давомида ўқувчидан баттар қолишга солинди.

Бир гап айтса, бир нима талаб қилса «маҳмадонага, «бетгачопарга» чиқарилди. Оқибатда...

Ижтимоий тармоқларга

қўзmunчоқдек териб қўядилар олдингизга. Ҳақ гап. Ўқитувчилар учун ўқув-семинарлар, малака ошириш курслари режа асосида ташкил этиляпти. Ва, бундай «буюк» тадбирлар учун давлат бюджетидан миллиардлар ажратилаётгани ҳам бор гап. Лекин ҳали бирон-бир ўқувчининг «Кеча устозимиз дарсдан кейин, Эшмат, Тошмат ва мени олиб қолиб, бизни роса саволга тутдилар. Эртага ким бўлишимиз, нимага қизиқишимизни сўрадилар» деган гапини эшитмадик. Аммо бу жараён учун ўқитувчи айбдор бунга, деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак. Ўқитувчи узоқ йиллар давомида ўқувчидан баттар қолишга солинди. Бир гап айтса, бир нима талаб қилса «маҳмадонага, «бетгачопарга» чиқарилди. Оқибатда... Ижтимоий тармоқларга





Тенглик ҳукми сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар,  
гам-гусса бўлмади.

Абу Райҳон Беруний

# Од қавмига тегишли шаҳар қолдиқлари

Муқаддас Куръони каримда тарихда ўтган бир неча қавмлар ҳақида хабар берилади: «Уларга ўзларидан илгари ўтган кишилар бўлмиш Нух, Од, Самуд қавмларининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян аҳолисининг (яъни, Шуайб қавмининг) ҳамда зеру забар бўлган қишлоқларнинг (яъни, Лут қавми қишлоқларининг) ҳоли-хабари келмадимми?! Уларга пайгамбарлари очик далил-хужжатлар келтирган эдилар (шунда улар пайгамбарларини ёлғончи қилишгач, бу қавмлар устига Аллоҳнинг балолари ёғилган эди). Бас, Аллоҳ уларга зулм қилгувчи бўлмади, балки улар ўзларига зулм қилган эдилар» (Тавба, 70).

Ушбу қавмларнинг аянчли тақдири қазилмалар жараёнида топилаётган ашёвий далиллар билан ҳам исботланмоқда. Эътибор беринг, Куръоннинг кўпгина сураларида Од қавми зикр қилинади. Од Нухнинг (алайҳиссалом) эвараси Авсининг ўғли бўлган. Авсининг отаси Ирам, унинг отаси Сом, унинг отаси Ҳазрати Нухдир.

Куръони каримда баён этилишича, Од қавми мухташам саройларга («Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулгу учун бир белги – баланд бино қураверасизларми?!») (Шуаро, 128 – 129); мол-давлат, чорва ҳайвонлари ва тенгсиз боғларга («У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку!») (Шуаро, 133 – 134) эга эди. Шу сабабли гурур ва кибрга берилиб, бутларга сифинишди. Аллоҳ таоло Ҳазрати Худни (алайҳиссалом) бу қавмга пайгамбар қилиб юборди. У қавминини огоҳлантириб, Аллоҳнинг уларга берган неъматларини эслатиб, имон келтиришга чақирганида, исён ва инкор қилдилар.

Бу қилмишларининг жазоси ўлароқ, Аллоҳ таоло ёнгириларни тўхтатиб қўйди. Натижанда уларнинг машҳур Ирам боғлари қуриди. Сўнг улар устига бўронли қақшатқич шамол юборилди. «Бас, қачонки улар ўша (азоб) ни ўз водийларига қараб келадиган бир қора булут ҳолида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир», дедилар. «Йўқ, бу ўзларингиз шоширтган нарса – бир бўронки, унда аламли азоб бордир. У Парвардигорнинг амри билан барча нарса ни вайрон (ҳалок) қилур. Бас, тонг отганида фақат уларнинг уй-жойларига кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи, осий қавми мана шундай жазолаймиз» (Аҳқоф, 24 – 25). Саккиз кун давом этган бу шамол Од қавмини, Куръони каримда таърифланганидек, чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтларни каби ердан суғуриб, улоқтирди:

«Энди Од (қабиласи) га келсак, бас, улар бир даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавми чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтларнинг танасидек қулаб, ҳалок бўлиб ётганларини кўрувсиз. Бас, улардан бирон (омон) қолгунини кўрармисиз?» (Ал-Ҳаққа, 6 – 8).

Бир қанча тарихчи ва муфассирларнинг фикрича, Од қавми яшаган жойлар ҳозирги Яман ҳудудидир. Бу қавм Уммон ва Ҳазрамавт оралиғидаги минтақада яшаган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бир қатор машҳур газеталар «Ҳашаматли араб шаҳри топилди», «Қумлар Атлантидаси – Убор» каби сарлавҳалар остида туркум мақолалар эълон қилдилар. Ушанда топилаётган номининг Куръони каримда зикр этилгани уларни ҳайратлантирган эди. Чунки кўпчилик Од қавми ҳақидаги хабарни афсона, деб биларди.

1932 йили инглиз тадқиқотчиси Бертрам Томас «Agabia Felix» номли китоб ёзади. Римликлар Араб яриморалининг жанубида жойлашган Яман ва Уммон ерларини Agabia Felix деб аташарди. Бу ерларда яшаган қабилалар ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирган Томас қадим шаҳарнинг қолдиқларини топ-

ганини даъво қилиб чиқади.

Араб минтақаларида изланишлар олиб бораётганида Бертрам Томас эски бир йўлга дуч келади. Бадавий араблар бу йўл қадимий Убор шаҳрига тегишли эканини айтишади. Мавзуга қизиқиб қолган олим тадқиқотни охирига етказолмай вафот этади. 90-йилларга келибгина ҳаваскор археолог Николас Клэпп қадим шаҳар вайронларини топишга муваффақ бўлади. Убор шаҳри борлигини исботлаш учун Клэпп иккита йўлни танлайди. Аввал бадавий араблар айтган эски йўлларини топади. НАСАга мурожаат қилиб, сунъий йўлдош ёрдамида шу минтақанинг расмини олиб беришларини сўрайди. Кейинчалик Калифорниядаги Хантингтон кутубхонасида сақланаётган қадимий кўлэзма ва хариталарни ўрганиб чиқиб, юнон жўроғи олими Птолемей (Батлимус) милoddан аввалги 200 йилда чизган харитани топади. Унда бу минтақада жойлашган қадимий шаҳар ўрни ва унга олиб борадиган йўллар кўрсатилган эди.

Бу орада НАСАдан расмлар олингани ҳақида хабар келади. Сунъий йўлдошлар ёрдамида фазодан олинган бу суратларда оддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган йўллар тасвири бор эди. Птолемей чизган харита билан сунъий йўлдош орқали олинган суратларни солиштирган Клэпп иккаласи ҳам бир-бирига уйғун эканини пайқаб қолади.


Шундан сўнг қазииш ишлари бошланади ва қисқа фурсат ичида бадавий арабларнинг ҳикояларида қайд этилган афсонавий шаҳарнинг ўрни топилди. Унга «Қумлар Атлантидаси – Убор» деб ном берилади. Шу ўринда бир савол туғилади. Топилган бу қадимий шаҳарни Куръони каримда номи зикр этилган Од қавмига тегишли дейиш учун қандай асослар бор?

Аввало, топилган шаҳар қолдиқлари ичида Куръони каримда алоҳида таъкидланган баланд устунлар бор эди: «(Эй Муҳаммад,) Парвардигорингиз (бошқа) юртларда ўхшаши яратилмаган, баланд устун(ли қаср)лар эгаси бўлган Ирам (шаҳридаги) Од (қабиласи)ни қандай (ҳалокатга дучор) қилганини кўрадингизми?» (Вал-фажр, 6 – 8). Қазилма ишларига бошчилик қилаётган доктор Заринс ҳам бу шаҳар бошқа жойларда учрамайдиган баланд устунлари билан ажралиб туришини, шу боис бу устунларни Од қавми яшаган Ирам шаҳрига тегишли дейиш тўғри бўлишини айтиди.

Ирам шаҳри ва Од қавми тарихи кўп баҳс-мунозарага сабаб бўлган мавзу. Чунки бошқа тарихий манбаларда бундай юксак маданиятга эга халқ ва улар қурган шаҳар ҳақида маълумот учрамайди. Бундай халқ номининг манбаларда учрамагани ҳам олимлар ғалати ҳол дейишади.

Аслида бу ҳолнинг сабабини Од қавмининг Яқин Шарқ ва Месопотамия минтақасидаги бошқа халқлардан узокда – Арабистон яриморалининг жанубий соҳилларида яшагани ва бошқа давлатлар билан ўзаро алоқалари ҳам чекли бўлганида кўриш мумкин. Яна бир асосий сабаб ўша даврларда бу давлатда ёзувчиликнинг оммалашмагани билан боғлиқдир.

Жанубий Арабистонга саёҳат қилсангиз, биринчи навбатда ястаниб ётган кенг чўллар эътиборингизни



“  
Ҳамма гап даврлар ўтиши билан юз берган иқлим ўзгаришларидир. Тарихий манбаларда бугун чўлга айланган минтақалар бир пайтлар жуда унумдор ерлар бўлгани қайд этилади. Жанубий Арабистонда, Од қавми яшаган ерларда саволимизга аниқроқ жавоб топамиз.

тортади. Ободонлаштириш мақсадида кейинчалик экилган дарахтларни ҳисобга олмас, бу ерлар минг йиллардан бери буткул қумга қўрилиб ётибди. Куръони каримда Ҳазрати Худнинг (алайҳиссалом) қавмини огоҳлантириб, уларга берилган булоқлар ва боғлар ҳақида айтилади. «Ва сизларни ўзларингиз биладиган (неъматлар) билан қўллаган-сийлаган Зотдан (Аллоҳдан) кўрингиз! У сизларни чорган ва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку!» (Шуаро, 132 – 134).

Ҳолбуки, бугунги кунда биз Од қавми яшаган жой деб тахмин қилаётган Убор шаҳри бутунлай қум билан қўмилган. У ҳолда Ҳазрати Худ (алайҳиссалом) тилидан итоатсиз қавмини огоҳлантиришда нега «боғлар ва булоқлар» муборак жумласи қўлланган?  
Ҳамма гап даврлар ўтиши билан юз берган иқлим ўзгаришларидир. Тарихий манбаларда бугун чўлга айланган минтақалар бир пайтлар жуда унумдор ерлар бўлгани қайд этилади. Жанубий Арабистонда, Од қавми яшаган ерларда саволимизга аниқроқ жавоб топамиз. Изланишлар шуни кўрсатдики, бу ерларда яшаган халқлар деҳқончиликда жуда пухта ишлаб чиқилган сўғориш тизимидан фойдаланишган. Фазодан олинган суратларда ҳам Рамлат ат-Сабъатайн деган жойлардаги турли сўғориш каналлари ва тўғонларнинг қолдиқлари ас-

этган. Бу иншоотларнинг шакли ва тузилиши икки юз минг кишининг сувга эҳтиёжини қондира оладиган даражада катта бўлганини кўрсатади. Тадқиқотларда қатнашган археолог Дознинг айтишича, Маъриб атрофидаги ерлар жуда унумдор бўлгани сабабли бир пайтлар Маъриб ва Ҳазрамавт ўртасидаги хуудларда деҳқончилик анча ривожланган.


Қадимги юнон ёзувчиси Плиний ўз кўлэмаларида унумдор тупроқлар, дарахтларга бурканган чексиз ўрмонларга тўхталиб ўтган. Ҳазрамайларнинг маркази бўлган Сабвоҳ яқинидан чиққан ибтидоий даврга тегишли топилмалардаги ёзувларда бу ерларда қадимдан ҳайвонлар овлангани қайд этилади.

Смитсониян институти олимларининг Покистонда олиб борган изланишлари натижасида эса ўрта асрларда суронум бўлган ерлар 6 метрлик қум остида қолиб кетгани аниқланган. Миср эҳромлари ҳам бир пайтлар қумлар орасидан қазиб олинган эди. Демак, Од қавмига тегишли боғ ва булоқлар қумтепалар остида қолиб кетган деб тахмин қилиш мантиқан тўғри.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тарихий ва археологик топилмалар Куръони каримда зикр этилган Од қавми ва Ирам шаҳрининг ушбу минтақада бўлганини ва оятларда алоҳида таъкидланганидек ҳалок этилганини исботлайди.

Шу йилнинг апрель ойида эса Саудия Арабистони чегарасига яқин жойда жуда йирик гавдали инсоннинг қабри, суяклари топилди. Газ захираларини излаш мақсадида қазииш ишлари олиб бораётган муҳандислар тасодифан бу суякларга дуч келдилар. Қадимшунос олимларнинг таъкидлашича, бу суяклар Куръони каримда зикр этилган йирик гавдали ва бакуват Од қавми одамларига тегишлидир. Малумотларга қараганда, айни пайтда бу ерда қазииш ишлари давом эттириляпти.

Шоҳистахон УЛЬЖАЕВА



Абдулла  
Авлоний:

## «Ким Нимани Яхши Кўрар?»

Бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсиз?

Йўқ, бу фикрингиз ёнглиш...

Эшонларимиз тоат ва ибодат, панду насиҳат, зикру тасбеҳ ўрнига тўйлардан тўн киюб, кўб ошаб, кўп ухлашни яхши кўрурлар.

Уламоларимиз дарсу таълим ўрнига, бир-бирлари ила ўрун таллашиб, мукаррар ва мударрис бўлишни... яхши кўрурлар.

Имомларимиз, халойиқга ваъз ва насиҳат ўрнига, тўй ва жанозаларда юруб, жома (тўн) кийишни яхши кўрурлар.

Бойларимиз орқа-ўнглирига қарамасдан, фойда ва зарарларини ойирмасдан бир-бирларига рақобат қиламан деб, «бонка» ва «критид»ларини кўпайтуруб, дўффилари тор келганда рус ва яхудийларнинг молларини букуб-синишини яхши кўрурлар.

Мўйсифидларимиз намоз ва ниёз ўрнига, масжид эшигига йиғилуб ўтуруб, ҳар кимни ғийбат ва шикоят қилишни яхши кўрурлар.

Муаллимларимиз бир-бирларидан қизғонишиб, болаларни арзон ўқитаман деб, бир ўзларига юз, юздан ортуқ бола йиғиб, ўзлари тўй ва маъракаларда болаларнинг умрини бекор ўтқаришни яхши кўрурлар. Савдогарларимиз: «Тўйликни тўйи ўтар, тўйсизни куни ўтар» деган сўзга амал қилмай, қайси маҳаллада тўй бўлса, дастурхончилик қилишни яхши кўрурлар.

Муаззинларимиз азонни яхшилаб адойи махраж қилуб айтишни ўрганмай, бир жойда тўй бўлуб қолса, «Фалончиникига ошга-ҳол!» деб қироат ила қичқаришни яхши кўрурлар.

Дўкондорларимиз ишларини тартибла солмай, замонага мувофиқ иш юритмай, Маллахон замонидан қолгон эски дўкон, эски тос, эски тартибларини яхши кўрурлар.

Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашиб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар.

Оталаримиз болаларига ўқутмак ва таълим бермак ўрнига «Уғлум эмди каттакон йигит бўлдинг, шунча ўқуганинг етар, пул топ!» – деб «ташишка» – ҳаммоллик қилдиришни яхши кўрурлар.

Косибларимиз бир-бирдан молларини арзон сотаман деб, тезгина йиртиладурғон, тикишлар ундан уруб, мундан чиққон, сувни етти қақирим ердан қақирадурғон маҳси ва этиклар тикуб, сотишни яхши кўрурлар.

Заргарларимиз йигирма тийинлик қумуш, ўн тийинлик тилло орасига мум ва сақичлар жойлаб, исминни «Қиз ҳайрон», «Зебирардон» қўюб, беш-ўн сўмга сотишни яхши кўрурлар.

Табибларимиз долчин, занжабил, ҳуббул малик, филфил каби бир неча атторни қутисида йўқ нарсалардан мураккаб дору ва маъжунлар ясаб, бечора нодон халқни пулини олишни яхши кўрурлар.

Машшоқ ва ҳофизларимиз тўй ва базмларга бир мардакни(нг) исминни бачча қўюб, ўзлари ила баробар олиб юруб, «миллий адабиёт» ўрнига «Хоним ялола, бегим ялола» деб баччага ташланаётган пулларни бўлуб олишни яхши кўрурлар.

Саводхонларимиз жарида ва журналлар, тарих ва рўмонлар ўрнига Дақёнус замонидан қолгон, хурофотлар ила тўлғон «Андоғ урдиларки, гардгард бўлуб кетди», деб лофлар ёзилган китобларни оғизларини қуфуртуруб ўқумоқни яхши кўрурлар.

Йигитларимиз миллий мажлис ва суҳбатлар ўрнига тўкма ва самаварларда, раста ва дўконларда ўлтуруб, «Фалончининг ўғли ҳуб яхши бола бўлубдур, кеча фалончининг меҳмонхонасига қамаб, қийқиртируб базм қилдук. Эмди фалончининг ўғлини(нг) ҳам бир базм қилсак, дунёдан армонсиз кетар эдук» деб, исломиятдан узог инсоният номига ярашмаган ишларни қилмоқ ва сўзлашмоқни яхши кўрурлар.

Ёшларимиз илм ва маърифатли бўлишни, ҳунар, санъат ўргонишни ўрнига, ўзларига зеб бериб торшим ила калта камзул, қотирма ёқаларга бино қўйишни яхши кўрурлар.

Ишчиларимиз илм ва ҳунардан маҳрумлиги сабабли бошқа миллатлар илму маърифатлари соясида кунига 4–5 сўм ишлаб турган бу замонда кунига уч тангага мардикорликни, ойига ўн беш сўмга қоровулликни, йигирма сўмга фанар ёқишни, ўн сўмга кўнка йўлини тозалашни ва шуларга ўхшаш энг паст ва оғир хизматларни яхши кўрурлар.

Болаларимиз оталаримизнинг илм қадрин билмаган, илм учун пулни кўзлари қиймаганлиги сабабли ўқумоқ ва ўрганмоқ ўрнига «Оҳ пул, жоним пул», деб «ташишка» – ҳаммолликни яхши кўрурлар.

Муҳаррар (ёзғучи, шоир)ларимиз кўб-кўб оқча олиб, оз-оз ёзишни яхши кўрурлар.

Муштарийларимиз фойдали мақолалар ўрнига (ғийбат ва фасод) хабарларни яхши кўрурлар.

Думаларимиз(даги депутатларимиз) мажлисга келуб, устулга суёлуб фароғат қилуб тургон вақтларида, бир тарафдан қаттиғроқ товуш чиқса чўчиб уйғонишни яхши кўрурлар.

Шоирларимиз миллий шеър ва адабиёт ёзишни ўрнига мувашшаҳи ёки «қошиндан, кўзиндан», – деб, жавонларни мақтаб фасод ахлоқга сабаб бўладурғон шеърлар ёзишни яхши кўрурлар.

Аммо мен бўлсам, ҳозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман.





Хайвонлар табиатида кушандаларидан нафратланиш,  
душмандан эса ўзини қўриқлаш инстинги бор.  
Абу Райхон Беруний

Носирхон тўра Саид Камолхон 1871 йили Косон (ҳозирги Косонсой) шаҳрида туғилган. Отаси Намангандаги мадрасалардан бирида мударрис эди. У фарзандини олдин ўзи ўқитди, унга Қуръони каримни ёд олдириди. Шундан кейин билиминини чуқурлаштириш ниятида турли ўлкаларга сафар қилди. Олдин Бухоро ва Кобулда, кейинчалик Дехли, Бағдод, Хижозда тахсил олди. Чуқур билим олиб Туркистонга қайтгач, Наманганда бош мударрис, козилик қилди, кўплаб илм толибларига тафсир, ҳадис ва фикҳдан сабоқ берди. Чоризм салтанати ағдарилганидан кейин Носирхон тўранинг ижтимоий-сиёсий фаолияти бошланди. У 1917 йили Наманган шаҳар Думасига депутат этиб сайланади. Шу йилнинг 26-29 ноябр кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг тўртинчи курултойида эса Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоси этиб сайланади.



## НОСИРХОН ТўРА ҚИМ БўЛГАН?

**Х**ориждаги ватандошлардан А.Завкий (Абдулла Тўлаганов) бир мақоласида: «1917 йил 9 декабрда Қўқонда Бутун туркистон тўртинчи Ўлка курултойи (съезди) чақирилди. Курултойга 180 вакил қатнашди. Курултой Февралда Россия демократик Федерацияси ичиде Туркистон Мухтор жумхуриятини ташкил этишни маъқул топдилар. Шу курултойда ҳукуматнинг бошлиғи ва вазирлари ҳамда эллик тўрт кишидан иборат Миллий маслаҳат Шўроси (парламент – муаллиф) сайланди. Ҳукумат ҳайъати Маҳмуд Тинишбойни ҳукумат раиси ва ички ишлар нозирини, Шоҳмад Шоҳисломни раис ўринбосарини, Мустафо Чўқайни ташки ишлар нозирини... Носирхон тўрани маориф нозирини этиб тайинлади» («Миллий Туркистон» журнали, Олмония, 1974 йил, 133-сон, 16-бет), деб ёзган эди.

ларидан бири, кейинроқ Косонсойда «Миллий иттиҳод» ташкилоти шўъбасини ташкил қилади. Носирхон тўра 1924 йили Косонсойда батрақлар уюшмасини мустамлакачилар ва уларнинг малайларига қарши оёқлантиргани учун деҳқонларнинг оммавий чиқишлари бутун Фарғона уездига ёйилиб кетди. Бундай фаолият босқинчиларга албатта ёқмас эди. Шунинг учун ҳам советлар ҳокимияти 1925 йили Носирхон тўрани «советларга қарши сиёсий фаолият олиб боргани учун» деган сохта айблар билан ОГПУ қарорига кўра, ҳибсга олади ва мамлакатдан бадарга қилади. У 1928 йилгача Оренбургда сургунда бўлади. Носирхон тўра бу ерда татар маърифатпарварлари билан учрашиб, улардаги вақф ишлари, таълим тизими, шариат маҳкамалари фаолияти билан яқиндан танишади. Узининг машҳур кундалиғи «Уринбург мактублари» асарини ёзади.

советлар истибдодига қарши отланган қўрбошилар бошлиқ куролли кучларни ягона гоё ва мақсад остида бирлаштиришга оғирлик қилади. Кўплаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишидан чўчиган Носирхон тўранинг ҳал қилувчи қураш олдида иккиланиб қолгани кейинчалик жуда қимматга тушди: «бу қаҳрамон бола-

саналган марҳум Носирхон тўра коммунистларга қарши кўзғолон кўтармиш эди. Нима қилишларини билолмай, сувга оққан кишидай ҳайронликда турган мусулмонлар, ўз диний олимларини илоҳий кучдан холи бўлмаса керак деб гураш қилишга ёнашмади. Руслар жонларини аямай, у кишига қўшилувчилар ўлка бўйлаб

ёзган: «Намангондан жиҳод шиори ила хуруж қилгон Носирхон тўра ҳам олим, миллатчи бир зотдур. Атрофида тўплангон аскарларини ҳаммаси фидойи эди. Бошқа қўрбошиларга ўхшб, бу зот руслар билан сулҳ қилишга ёнашмади. Руслар кўб урунди. Масалан, руслар бир кун мусулмонлардан

этонлигидан хабардор бўлгон Носирхон тўра, эмди бўлмади, руслар голиб келадургонга ўхшайдур, деб йўлдошлари билан машварат қилиб, ўзимизни хорижга олайлик, деб қарор қилдилар. Ғоятда эҳтиёт билан Намангон шаҳри ичига кирдилар. Сардоба даҳасига тобе Бураматут маҳалласида муносиб бир уйга ерлашдилар. Сафар саришасини кўра бошладилар.

Аммо уч ой ўтмаёқ советлар ҳокимияти мухториятни қонга ботирди. Қонуний ҳукумат аъзоларини таъқиб ва маъвэти билан қаноатланмай, Қўқон шаҳрига ҳужум уюштириб, ўн мингга яқин аҳоли ёстигини қуритди. Ҳукумат ва маслаҳат Шўроси аъзоларидан элликка яқини қамоққа олинди. Носирхон тўра мустамлакачилар зулмидан қочиб, яширишига мажбур бўлади. Аммо бир йилча ўтмасданок фаолиятсизлик ҳалокат эканини тушуниб, яна очиқ ишлаганга ўтади. 1923 йилгача Наманганда ташкил этилган «Маҳкамаи шаръия» (Шариат суди) идорасига раислик қилади. Ҳужжатларда қайд этилишича, Носирхон тўра диний соҳада жонбозлик кўрсатишдан ташқари ижтимоий-сиёсий ишларда ҳам фаол қатнашган. У юрт мустақиллиги учун курашни асосий шир қилган «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Намангандаги ташкилотчи-

ларимизнинг онларини очиб ишга солғудек, ҳар ишга ярамлик сиёсий раҳбар бўлғудек бирорта кишимизнинг йўқлигидан, ташкилий равишда очиқ бир мақсадни олға қўйиб иш олиб боришолмаганликдан мамлакатимизнинг бахтсиз энг ботир ўғиллари ҳар ерларда душман кўллари билан отилиб-чопилиб, бекорга йўқотилдилар» («Алихонтўра Соғуний», «Туркистон қайғуси» (биринчи китоб), Тошкент, «Шарқ», 2003 йил, 65-бет).



Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати ва Халқ мажлиси аъзолари (1917 йил).

ларимизнинг онларини очиб ишга солғудек, ҳар ишга ярамлик сиёсий раҳбар бўлғудек бирорта кишимизнинг йўқлигидан, ташкилий равишда очиқ бир мақсадни олға қўйиб иш олиб боришолмаганликдан мамлакатимизнинг бахтсиз энг ботир ўғиллари ҳар ерларда душман кўллари билан отилиб-чопилиб, бекорга йўқотилдилар» («Алихонтўра Соғуний», «Туркистон қайғуси» (биринчи китоб), Тошкент, «Шарқ», 2003 йил, 65-бет).

қўпаймиш эди. Бироқ иш вақтидан ўтган, не фурсатлар қўлдан кетган эди. Узоқ-яқиндаги болшевикларга қарши кўтарилган кўзғолонлар бутунлай бостирилиб, ишлари марказга боғланмиш эди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ҳар оқил киши ўз замонасига тушуниб, бекорга йўқотилдилар» (Алихонтўра Соғуний, «Туркистон қайғуси» (биринчи китоб), Тошкент, «Шарқ», 2003 йил, 65-бет).

ҳар кимга сўзи ўтадургон, гаплари таъсир қиладургон, гавдалик Тўраҳон маҳдум домла, Миён Қудрат ҳазратни ГПУ доирасига қақирдилар. Бу икковларига ГПУ ширин ваъдалар ила қуруқ дарёдан кўб сувлар илтифот қилди. Бу зотлар тоғ ичларига бо-риб, Носирхон тўрани топиб, яхши насихатлар ила миллат эзилмасин, маъву паришон бўлмасун, тўрам ҳам ҳукуматни лутфи иноятларидан фойдалансунлар, қолгон беш кунлик умрларини роҳат, иззат, маишат билан ўтказсунлар, эй тўрам, эй ҳазрат, сизлар боринлар, бир илож қилиб, тўрамни ҳукумат билан яраштиринлар, сизларни бу тарихий хизматларингиз тақдир қилинадур, деди.

Руслар одамларини во-ситасила Носирхон тўрани бўйини олди. Ёширилгон уйни босди. Тўрам қочди. Ҳавлидан ҳавлига андин том орқа кўшига, у жойдан бошқа бир боғга отлаб, у жойда ҳозирланиш отларига миниб, Кошгар жўнадилар. Ушга саломат етганлигидан Намангондаги ўғли эшон Дадахонга хат жўнатдилар. Сотилгон қўрноз жосуслар эшон Дадахонни излаб, ҳаммомда топдилар. Ёнчигидаги хатни топиб олдилар. Ҳолан Кошгар йўлларини таъқиб учун Ушга, Гулшага, Сўфига ва бошқа марказларга тилгиром ва тилифўн билан тўра қочди. тут, тут, тут, деб ҳар тарафга овчи кўпнақлар каби одамларини тарқатди. Ниҳоят гулшалик Тўйчи дегон бир қоқбош қирғизни жистижўси натижасида Толлиғ дегон жойда тўра тутилди. Қўллари боғланиб, Тошкандга жўнатилди. У тарафидан Туркистонликлар огоҳ эмасдур...»

**Кутинг!**

**ЮКЕДАЛИШ ТАРАДДУДИ**

Ҳар қолда, орзулар насия эмас, нақд экан. Кейинги йиллардаги янгиланишлар юртимиз чинакамига улкан имкониятлар манбаи эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Келгуси сонларда

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошларимиздан Аҳмад Тўлқин қўрбоши Шермуҳаммадбек фаолиятидаги ўзи шохид бўлган қуйидаги воқеани Шермуҳаммадбекнинг ўғли Давронбек ва жияни Анварбекларга айтиб берган: «Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар Носирхон тўранинг ёнига бориб: «Домла, сиз бизга бош бўлинг, диний раҳнамо бўлинг, биз амрингизга итоат қилиб, душманга қарши биргаликда курашайлик», деб илтимос қилишган экан. Шунда Носирхон тўра кўзини ердан узмай ўтирган ҳолда на «ҳа», на «йўқ» деб жавоб қилган. Бироқ орадан бир қанча вақт ўтгач, Носирхон тўра бу қилмишидан пушаймон еб, виждони қийналиб, «қўрбошилар тақлифига мен бирор нарса дея олмадим, бу менинг хатойим эди», деб иқдор бўлган. Кейинчалик Носирхон тўра миллий кураш жабҳасига ўзини бағишлаб, шу йўлда қурбон бўлган» («Тарихинг ҳасратли саҳифалари» тўплами, Тошкент, «Шарқ», 2006 йил, 122-бет).

Бечора Носирхон тўра қочиб юрган еридан икки ўспирин ўғли билан ушланиб, Тошкентга келтирилган сўнггида энг қаттиқ, ер ости, қоронғу зиндонда ётгонлигини эшитган эдик. Сўнгра икки ўғли билан бирликда ўлим жазоси берилиб, дунёдан йўқотилмишдир. Агар бу киши ўрнида сиёсат оламиндан хабардор, онглик бошқа биров бўлганида, ишни бошқача ташкилий равишда олиб борар эди. Бу қадар улуг кўзғолон майдониде тўкилган ерлик халқ қонлари бекорга кетмас эди. Чунки, жанубий томондаги Афғон ва Ҳиндистон чегаралари қўлга келтирилса, у ёқдан ердан етказиш имконияти туғилмиш эди; онгсизлик шумлигидан шу ишни бажара олмадилар» («Алихонтўра Соғуний», «Туркистон қайғуси» (биринчи китоб), 86-87-бетлар).

Тўраҳон маҳдум домла йўгон жисмини кўрсатиб, семизлигидан шикоят қилуб, от сафарларида узоқ йўлларда юришга тоқат қилолмасликларини баҳона қилиб, ўзини маъзур кўрсатди. ГПУни бошлиғи бошини қимирлатиб, тасдиқлагандек бўлди. Уринларига Абдураҳмонхон тўрани изидан ҳам хабар тополмадилар. У тўрт тўртинчиларни чўлларда мужоҳидлардан зиёда кўрқоқлиғи Тўра ҳазратларига баҳона бўлди. Ҳаммалари иттифоқлашиб, қайтайлик эмди бас, кўб роҳатсиз бўлди, тоғ ичлариде, ғайри маскун ерларда учратолмадик, хулоса, истидик, топмадик, деб билиттифоқ қайтиб келдилар. Ушандоқ жа-вобларини ГПУга етказдилар. Бундан кейин ГПУ ҳар тарафга жосусларини тарқатди. Носирхон тўрадан бир хабар келтургонга зиёдасила мукофотлар ваъда қилди. Русларни шиддат билан таъқиб

Уттизинчи йилларга келиб советларнинг миллий ўлкалардаги қатагон сиёсати иккинчи паллага кирди. Турли сохта айблар билан миллатнинг етук сиёсий, диний арбоблари, мулк эгалари яна йўқ қилина бошладилар. Бу даврнинг кескир қиличи – машъум «учлик»лар бегуноҳ миллат фидойиларини қатл этиш ва қамашга ҳужм қила бошлади. ОГПУнинг Урта Осиёдаги Мухтор вакиллиги ҳузуриде ташкил қилинган Урта Осиёдаги вакили Белский, ўринбосари Карутский, ОГПУ кўшинлари кўмондони Бабкевичдан иборат «учлик»нинг 1930 йил 27 октябрдаги суд йиғилишида Туркистон мухтор ҳукумати аъзоларидан бўлган Носирхон тўра Саид камолхон тўраевни 56 ёшида ўтмишида совет ҳокимиятига қарши акцилинқилобий «Қўқон мухтор ҳукуматида вазир лавозимиде ишлагани» 1925 йилдан 1928 йилга қадар совет ҳукуматида қарши фаолияти учун қамалган, ҳозирда ҳам совет тузумига қарши ташвиқот олиб бормоқда деб отувга ҳукм этди. Худди шу кунги йиғилишда «учлик» Носирхон тўра Саидкамолхон тўраевнинг оила аъзолари ва маслақдошлари устидан ҳам ҳукм чиқарди. Носирхон тўранинг фарзандларидан Дадахон эшон Носирхондан отувга, Хасанхон Носирхон тўраевни 6 йил қамоқ жазосига ҳукм этди. Носирхон тўра Саидкамолхон тўраевнинг шогирдларидан Муллафозил Бобомуҳаммадов, Муллаўмон Каримовларни дастлаб отув жазосига ҳукм этиб, сўнгра ижтимоий келиб чиқишини ҳисобга олиб отув жазоси 10 йиллик концлагерга алмаштирилди. Юлдашев Мулла тоқибой ҳам 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Носирхон тўра хотинининг акаси Сайдулло Мақсудовни эса 5 йилга озодликдан маҳрум этдилар.

Интернетдаги маълумотлар асосида тайёрланди.



